INV. 14

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2002 YIL 3 YANVAR ◆ PAYSHANBA ◆ №2 (26.861)

## ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ РАИСИ ЦЗЯН ЦЗЭМИНЬ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Цзян Цзэминь жаноблари,

Мамлакатларимиз тарихидаги муҳим сана — ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг ўн йиллиги муносабати билан Сизга табрик мактуби орқали мурожаат қилиш менга улкан мамнуният бахш этади.

Энг аввало, мамлакатларимиз ўртасидаги давомли ўзаро тўғри тушунишнинг чуқурлашиб бораётгани ҳамда икки томонлама ҳамкорликнинг доираси фаоллашиб ва доимий равишда кенгайиб бораётганини алоҳида қониқиш билан таъкидлашни истар эдим.

Принципиал минтақавий ва халқаро масалалар бўйича Хитой Халқ Республикаси билан сиёсий мулоқот ва амалий ўзаро ҳаракатда юқори даражага эришилгани ҳамда беҳад самарали тажриба узоқ муддатли шериклик учун салмоқли замин мавжудлигидан далолатдир.

Ўзбекистон ХХР билан ҳар томонлама алоқаларни кенгайтиришга Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири сифатида қарайди. Ўзбекистон ва Хитой халқларининг тинчликда яшашга бўлган интилишлари халқаро терроризм, диний экстремизм, миллий айирмачилик ва гиёҳванд моддалар агрессиясига қарши курашда икки томонлама ва кўп томонлама кўринишда, шу жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида ўзаро саъй-ҳаракатларни бирлаштириш учун муҳим рағбат касб этади.

Шуниси қувонарлики, Ўзбекистон билан Хитой ишбилармон доиралари ўртасидаги ўзаро ҳаракат майдонлари изчиллик билан кенгайиб бормоқда, Ўзбекистон бозорида фаолият кўрсатаётган Хитой компаниялари сони тобора ошиб бораётир. Бу соҳада мамлакатларимиз ҳали ишга солинмаган улкан салоҳиятга эга ва уларни рўёбга чиқариш бизнинг яқин келажакдаги умумий вазифаларимиздир.

Ўтган ўн йил давомида ўз илдизлари билан қадим ўтмишга бориб тақаладиган ижтимоий алоқаларимиз сезиларли даражада фаоллашди, фан ва маданият, маориф соҳаларидаги алмашувлар кенгаймоқда. Биз Буюк ипак йўли анъаналари фаол равишда қайта тикланиши жараёнининг гувоҳи ва иштирокчиларидирмиз. Аминманки, келажакдаги ўзаро муносабатларимиз кўп жиҳатдан айнан ушбу муҳим соҳадаги умумий режаларнинг муваффақиятли амалга ошишига боғлиқдир.

Жаноби Олийлари,

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишига астойдил умид қиламан, шунингдек, Сиз жаноби Олийларига ва бутун Хитой халқига муваффақият ва фаровонлик тилайман.

Самимий ҳурмат билан,

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Тошкент шаҳри.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилганлигининг 10 йиллиги муносабати билан Хитой ҳукумати ва Хитой халқи номидан, шунингдек, шахсан ўз номимдан Сиз Жаноби Олийларига ҳамда Сиз орқали Ўзбекистон ҳукумати ва ўзбек халқига қизғин табрик ва энг эзгу тилакларни йўллайман.

Дипломатия муносабатлари ўрнатилган кундан бошлаб ўн йил давомида икки мамлакат ўртасида яхши қўшничилик, дўстлик ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик янада ривожланиб ва чуқурлашиб борди. Мустақилликни, суверенитет ва давлат хавфсизлигини сақлашга ҳамда ўз мамлакати иқтисодиётини ривожлантиришга ҳар икки томон тўғри тушуниш билан ёндошади ва иккинчи томон саъй-ҳаракатини қўллаб-қувватлайди, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш учун узлуксиз чора-тадбирлар кўради ва бунда муҳим муваффақиятларга эришилди. Тузилиши жараёнида ҳар икки мамлакат иштирок этган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотида бўлгани сингари бошқа халқаро ташкилотлар доирасида ҳам биз, икки томон изчил ҳамкорлик олиб борган ҳолда «уч офат»га қарши кураш, минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигини сақлаш, умумий гуллаб-яшнашга кўмаклашиш ишига фаол ҳисса қўшдик. Дўстона яхши қўшничилик муносабатлари ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш икки мамлакат халқларининг туб манфаатларига жавоб беради, бизнинг минтақамиз хавфсизлиги ва барқарорлигига қулайлик яратади.

10 йиллик йўл давомида Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилди ва уларни янада ривожлантиришнинг катта имкониятлари мавжуд. Хитой томони Ўзбекистон томони билан биргаликда сиёсий ишончни мустаҳкамлаш юзасидан саъй-ҳаракатларни давом эттиришга, ўзаро манфаатли ҳамкорликка кўмаклашиш ва икки томонлама муносабатларни узлуксиз ривожлантиришни рағбатлантиришга тайёрдир.

Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлик ва барча энг эзгу ниятларни тилайман.

Хитой ва Ўзбекистон ўртасида дўстликнинг мустаҳкамланиши ва кенгайишини тилайман.

**Цзян ЦЗЭМИНЬ,**
**Хитой Халқ Республикаси Раиси**
**Пекин шаҳри.**

## САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

**Янги 2002 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарларидан табриклар келиши давом этмоқда.**

Украина Президенти Леонид Кучма қуйидаги мазмунда табрик хати йўллади:

*«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига*

*Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,*

*Сизни кириб келаётган Янги 2002 йил билан Украина халқи ва шахсан ўз номимдан самимий муборакбод этаман.*

*Шуни мамнуният билан қайд этмоқчиманки, ниҳоясига етаётган йилда Украина билан Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий дўстлик алоқалари, шунингдек, икки томонлама ҳамкорлик, айниқса иқтисодий соҳадаги шериклик барқарор ривожланиб борди. Шу билан бирга бундай ҳамкорлик битмас-туганмас салоҳиятга эгадир.*

*Ишончим комилки, кириб келаётган йилда истеъдодли ва меҳнатсевар Ўзбекистон халқи иқтисодий, маданий ва маънавий тараққиётда янги-янги чўққиларни забт этади, Украина билан Ўзбекистон ўртасида муттасил ривожланиб бораётган ўзаро муносабатлар эса тобора кенгайиб, мустаҳкамланаверади.*

*Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, омонлик ҳамда давлатни бошқарищдек масъулиятли фаолиятингизда янги-янги зафарлар, дўст Ўзбекистон халқига эса тинчлик, эзгулик ва равнақ тилайман.*

Камоли эҳтиром ила,

**Леонид Кучма, Украина Президенти».**

Худди, шунингдек, **Арманистон Республикаси Президенти Роберт Кочарян;**

**Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев;**

**Молдова Республикаси Президенти Владимир Воронин;**

**Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев;**

**Дания Қироличаси Маргрете Иккинчи;**

**Ирландия Президенти Мэри Макелис;**

**Германия Федератив Республикаси Президенти Йоҳаннес Рау;**

**Польша Республикаси Президенти Александр Квасневски;**

**Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко;**

**Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов;**

**Умумхитой Халқ Вакиллари йиғилиши Доимий Қўмитасининг Раиси Ли Пэн;**

**Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазири Чжу Жунцзи;**

**Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Мажлиси Раёсатининг Раиси Ким Ен Нам;**

**Татаристон Республикаси Президенти Минтемир Шаймиев;**

**Лаос Халқ Демократик Республикаси Президенти Кхамтай Сипхандон** ҳам Ислом Каримовга самимий қутловлар йўллаган.





*ЯНГИ ЙИЛ ШОДИЁНАЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА*







■ Владимир ПАНОВ олган суратлар

ОЙДИНЛИК

## БИР СЎЗНИ ИЗЛАЙМАН...

Бедор, беором, бедил кезиб юраман — битта сўзнинг ортидан ҳамон. Ўша айтилмаган биргина калом, ҳали топилмаган бокира туйғу, тахайюл тахтида туғилган туғён бизни боғлаб туради асли.

Етганим Озодлик, орзуим ёруғ Осмон, кетаётганим Ойдин йўл, ҳаётим мазмунига айлангани, «Ўзбекистон овози». Оппоқ оламим узра елиб бораётган хаёлнинг учқур Оти. Бир-биримизга истагимиз Омад.

**Озодлик** — ҳақида миллатнинг ҳур болаларига сабоқлар янги 2002 йилимизда ҳам мунтазам ёритиб борилади. Озодлик қадри, уни бизга берган беқиёс туйғуларнинг садоси сизнинг кўнглингизга ҳам кўчиб ўтади.

**Осмон** — ёруғ осмон, тинчлик рамзидир. Тонгда уйғониб илк бор тикилганимиз осмондир. Мусаффо бўлсин деб илтижо қиладиганимиз осмондир. Тинчлик ҳақидаги мақолалар, суҳбатлар газетанинг ўлмас мавзуларидир.

**Ойдинлик** — истиқлол йўли. Унинг илк боби мустақилликнинг ўн йили, ўн биринчи йили, таъбир жоиз бўлса бекатида бизни нима кутмоқда? Биз истиқлолга нима бердик? Истиқлолнинг асрларга тенг йиллари бизга нималар берди? Ушбу савол барчамиздан бу йилда ҳам жавоб кутади.

**Овоз** — «Ўзбекистон овози». Халқимизни уйғоқликка ундайди. Донишмандона сўзларини айтади. Мамлакатимизнинг турли кентларида, туманларида, қишлоқларида уйғоқ овоз билан ўзгаришлар қилаётган замонамиз қаҳрамонлари ҳақида очерклар, лавҳалар яратилади. «Ўзбекистон овози» барчамизни руҳ, тафаккур уйғоқлигига чақиради.

**От** — эркнинг тимсоли. У мудом инсонга ҳамроҳ бўлиб жангу жадалларда садоқат кўрсатган. От — Жалолиддин Мангуберди, Спитамен, буюк ва қудратли соҳибқирон Амир Темурнинг Ватан учун, озодлик учун курашлари иштирокчиси. Янги йилимиз От йили. От учқурлик, қўрқмаслик, қут-барака, садоқат рамзидир. Ушбу йил юртимиз иқтисодиёти, маънавиятида юксалиш йили бўлиши шубҳасиздир.

**Омад** — барчамиздан юз ўгирмасин. Мен сизга — сиз эса менга омад тиланг. Газетхон ва газета учун 2002 йилимиз омад олиб келсин. Мен эса сизнинг кўнглингиздаги ўша биргина сўзни излашга умримни бахшида этишга тайёрман. Шоир айтганидек:

**Аммо мен уни**
**битмагунимча,**
**Битиб сизга тақдим**
**этмагунимча.**
**Бир лаҳза ҳаловат**
**билмасман,**
**Тинмасман, тинмасман,**
**тинмасман асло.**

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ**

ШАРҲЛОВЧИ НИГОҲИ

## МУНОСАБАТЛАРДА — ЯНГИ БОСҚИЧ

*Юртимизда узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотлар ривожида ўзига хос ўрин тутган 2001 йилнинг сўнгги ҳафтаси ҳам жамиятимиз ҳаётига дахлдор, алоҳида эътиборни талаб этадиган воқеаларга бой бўлди. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан уюштирилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкент саммити, шубҳасиз, ана шундай воқеалар сирасига киради. Миллий манфаатлари муштарак, давлат ва жамият қурилишининг масъулиятли даврини бошдан кечираётган минтақа давлатлари раҳбарларининг дўстона мулоқотлари анъана тусини олган эса-да, мазкур саммит бирмунча жиҳатлари билан аввалги учрашувлардан фарқ қилади.*

*Гап шундаки, давлат раҳбарларининг бу галги учрашуви дунёда туб ўзгаришлар содир бўлаётган, жаҳоннинг сиёсий манзараси янгиланаётган паллага тўғри келди. Азалдан зиддиятли ва мураккаб бўлиб келган дунё бугун янгича қадриятлар асосида нафас олмоқда. Тобора глобаллашиб, шиддатли тус олиб бораётган давримизда ҳар бир давлат, ҳар бир миллат, ҳар бир шахсдан доимий изланиш, муттасил тараққиёт ва муносабатларни замонавий асосда ташкил этиш талаб этилади. Ана шу маънода тезкор замонамиз ўтмиши ва истиқболи бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган, халқаро сиёсий ва иқтисодий тизимнинг фаол иштирокчиларига айланиб бораётган Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлигини янада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Кенг кўламли ҳамкорлик истиқболлари, минтақавий хавфсизлик, иқтисодий интеграция каби муҳим масалалар муҳокама этилгани билан ҳам Тошкент саммити алоҳида аҳамият касб этади.*

*Бугун тараққийпарвар дунё ҳамжамияти инсониятнинг тинч турмушига раҳна солаётган халқаро терроризмга қарши кураш атрофида жипслашмоқда. Кўплаб манфаатлар ва маданиятлар кесишган Марказий Осиё минтақаси давлатлари ҳам ўз ҳаётида бир неча бор террорчилик хуружига рўбарў келган. Ана шу сабабли ҳам минтақа давлатлари бу мудҳиш балога қарши курашиш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Саммит давомида аксилтеррор коалициясини қўллаб-қувватлаш, Афғонистонда том маънода барқарорлик ўрнатиш ва мамлакатда тинч ҳаёт тарзини вужудга келтириш борасидаги минтақа давлатларининг муштарак позицияси яна бир бор очиқ-ойдин баён этилди. Президентларнинг бу борадаги аниқ позицияси саммит ҳосиласи бўлган Тошкент Баёнотида ҳам ўз аксини топди. Давлат раҳбарлари урушдан кейинги тикланиш даврида Афғонистоннинг муваққат ҳукуматидан ўз ёрдамларини аямасликларини билдирдилар.*

*Тошкент Баёнотида, шунингдек, муносабатларнинг янги уфқларини очиш, хусусан, транспорт коммуникацияси, сув-энергетика заҳираларидан фойдаланиш, атроф-муҳит муҳофазаси, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, маданий-маънавий соҳаларда, наркобизнес, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик каби иллатларга қарши курашишнинг биргаликдаги самарали тизимини ишлаб чиқиш борасида яқин ҳамкорлик қилиш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.*

*Саммит ишида давлат раҳбарлари ҳар жабҳада ҳамкорликни янада жадаллаштириш тарафдори эканликларини билдириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифини бир овоздан маъқуллаган ҳолда, Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамияти(МОИҲ)ни «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» ташкилоти(МОҲ)га айлантириш тўғрисида келишиб олдилар. Таъкидландики, янги ташкилот ҳеч қандай ҳарбий мақсадни кўзда тутмай, нафақат иқтисодий соҳада, балки жамият ҳаётининг барча соҳаларида яқин ҳамкорликни йўлга қўйишга хизмат қилади. Саммит давомида дўстлик, яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга доир кўплаб таклифлар ўртага ташланди, маданий алоқаларнинг бугунги аҳволи атрофлича муҳокама этилди.*

*Бир сўз билан айтганда, Тошкент саммити қардош давлатларнинг муштарак муносабатларини ифода этибгина қолмай, фаровон ҳаёт, инсон манфаатлари устуворлигига асосланган демократик жамият қуриш учун интилаётган халқларнинг тарихий алоқаларини янги босқичга кўтарди.*

■ **Шуҳрат ОРИФ**

## 2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

# ҚАРИЯЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗГА ЛОЙИҚ

### БИРИ ОЙУ БИРИСИ ҚУЁШ

Кексалар — хонадонимиз, оиламизнинг кўрки, қувончи! Улар билан ҳаётимиз файзли, нурафшон, қут-баракали, баркамол ва барқарор. Тўй-ҳашамлар, йиғину маъракаларда ҳам иззат-икромлар аввали, шубҳасиз, қарияларга... Фарзандларимиз танглайини кўтарган мўътабар онахонлару уларга чиройли исмлар қўйган нуроний отахонлар ҳам шу кексалар. Ардоқли ўғил-қизларимизнинг ёруғ жаҳони, севинч ва овунчоғи ҳам шу кенг ва меҳрибон қариялар!..

Қарияларимизнинг обрў-эътибор топиб, кўрк бўлиб юришлари ҳар биримиз учун бебаҳо бойлик, катта давлат. Улар билан суҳбатлашганда таскин топасан киши, кўнглинг тўқ, димоғинг чоғ бўлиб, қалбинг тоғдек кўтарилиб кетади. Оғир ва мушкул юмушларни бажараётиб, ана шу нуроний сиймоларни эслаганингда кучингга куч, ғайратингга ғайрат қўшилади.

Ота-она шамсу қамар — ой билан қуёш, фарзандлар эса юлдузлар! Қатрада қуёш акс этганидек, фарзандлар истиқболини ҳам ота-она меҳри офтобдек ёритиб туради. Биринчи устоз, биринчи мураббий, биринчи насиҳатгўй — бу ота-она — табаррук кексаларимиз! Қуёш нуридек саховатли, тўлин ойдек ёруғ, асалдек асил, булоқ сувидек мусаффо, денгиз тўлқинларидан ҳам қудратли бўлган ота-оналар — қариялар меҳр-шафқати, саховатининг мезони йўқ.

Зеро, отанг боласи бўлма, одам боласи бўл, мақолининг замирида ҳам ҳақиқий инсонпарварлик ҳис-туйғулари ётади. Ўзини билган фарзанд она сутини оқлаш учун, ота меҳри олдида таъзим қилиш учун падарини бошида, модарини эса қўшқўллаб юришга интилади. Ҳа, кексалар қалбини меҳр офтоби билан иситиш, нозик кўнгилларига йўл топиб, уларнинг ҳурмат-эътиборини қозониш ҳар бир ёшнинг фарзандлик бурчи.

Инсон боласи ота-она меҳрисиз яшай олмайди. Ота-она ҳар биримиз учун энг азиз, энг мўътабар ва энг улуғ зот. Дунёга келган кунингданоқ бошинг устида парвона бўладиган олий зот — бу она! Қанча-дан-қанча тунларни мижжа қоқмай ўтказган онанинг ёқимтой чеҳрасини, қуёшдан ҳам ҳароратли ва момиқдан ҳам майин қўлларини унутиш мумкинми ахир! Асло! Фарзандининг камоли деб бутун борлиғини бахшида этган ота-онанинг қайноқ меҳри, сермашаққат меҳнатини нима билан ўлчаш ёки тенглаштириш мумкин?! Ҳеч нарса билан! Шунинг учун ҳам биз ўзимизни ота-она олдида бир умр қарздор, деб ҳисоблаймиз.

«Бир воқеа ҳали-ҳали эсимда, — деб ёзган эди адиб Иноят Маҳсумов. — Кўрпа қавиб ўтирган онам билан холам айвон токчасининг лабида турган қайчини олиб келишимни буюришди. Токчага бўйим етмасди.

— Чўз бўйингни, чўз! Ана, етай деб қолди, — деб қизиқтиришарди улар. Мен бўйимни чўза-чўза мурғак оёқларимни тагсинчга қўйиб, амаллаб қайчини олдим. Севиниб кетган эдим. Онам эса:

— Ана, қўли токчага етди, болам катта бўлиб қолди. Ана, тойим қайчи келтириб берди, дастёр бўлиб қолди, — деб эркаларди.

— Кел, ўғлим, қани бир ачом қилайлик, — деб онам ва холам галма-гал бағирларига босиб, у юзимдан бу юзимдан ўпишарди.

Ёшим етмишга бориб қолган бўлса ҳам бу бетакрор дамни ҳеч эсимдан чиқазмайман. Марҳума онамнинг меҳрибонликларини эслаб, ҳали-ҳали қувонаман.

Авваллари буни бир эркалаш деб ўйлаб юрар эдим. Кейин тушунсам, бу меҳнатга рағбатлантириш экан!»

Шундай, фарзанд ота-онасига фақат раҳмат келтириши, падари бузруквори ва онажонисининг қадрига етиши, уни ҳалол меҳнати билан оқлаши ҳам қарз, ҳам фарз.

Донолар, ота-она — кексалар қадрини, иззат-ҳурматини улар ҳаёт вақтида бажо келтир, сўнг пушаймон бўлмайсан, дейдилар. Шайх Саъдий марҳум отасини эслаб, ёзган эди:

**Ул дамки, бошимда отам бор эди,**
**Бошим узра тожим-жиғам бор эди.**

Дарҳақиқат, онанинг бир қўли бешикни, иккинчи қўли дунёни тебратади, деб бекорга айтмаганлар.

Шунинг учун ҳам кексаларимиз ҳар доим иззат-ҳурматда ва эҳтиромда бўлиб келишган. Уларнинг заковати ва донолиги олдида бош эгилган, таъзим бажо келтирилган. «Қари билганни пари билмас», «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи», «Қари бор уйнинг зари бор», «Қари келса ошга, ёш келса ишга», дейилиши бежиз эмас.

### ҚАРИЛИККА КИМ ЭШИК ОЧАР?...

Киши улғайиб, ўзида бебаҳо ҳаёт тажрибасини жо этган кексалар ҳақида Носир Хисрав чиройли гап айтганди:

**Тутгил қариларнинг титроқ қўлин,**
**Қаригач билурсан қарилик йўлин.**

«Уйда катталарни ҳурмат қил, агар катта бўлмаса, тош қўйиб, уни катта сингари ҳурмат қил», — дейилади арман халқ мақолида.

Қариларимизни улуғловчи воқеа-ҳодисалар ҳар қадамимизда учраб туриши табиий. Айниқса, ўзбегимнинг табиати шундан далолат беради. Юртбошимиз томонидан 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилиниши ана шу эзгуликнинг, меҳрибонликнинг намунаси эмасми?!

Айтинг-чи, ким ҳам қариликни бўйнига олишни истайди? Лекин бу табиат қонуни, хоҳлаймизми-хоҳламаймизми, бир кунмас бир кун кексалик остона ҳатлаб кириб келади.

Умуман, қарилик қандай кечади? Бу ҳақда тиббиёт илми нима дейди? Чиндан ҳам эрта қариш ва узоқ умр кўриш масаласи инсониятни энг кўп қизиқтириб келаётган ғоят муҳим муаммолардан бири. Донолар одам қирқ ёшда бунёд бўлади, деб бекорга айтишмаган. Ибн Синонинг фикрига кўра, қарилик қирқ ёшдан бошланар экан. Ана шу улуғ алломамиз олтмиш ёшли кишини қария, деб атаган.

Чиндан ҳам узоқ умр кўриш масаласи барча давр кишиларини катта ҳаяжонга солиб, уларни жиддий тўлқинлантириб келганлигини тарих саҳифаларидан ҳам кўрса бўлади. Жумладан, бу ҳақда қадимий Миср ва Хитой иероглифлари, Ҳиндистон ва Грециянинг кўҳна ёдгорликлари ҳикоя қилади. Элладада кишиларга қон қуйиш орқали гўзал ёшлигини қайтариб берувчи сеҳргар Медей тўғрисида афсона пайдо бўлганлиги ҳам балки шундан.

Бундан уч юз йил аввал Фрэнсис Бэкон инсон умрини узайтиришнинг икки усулини айтиб ўтган эди: кексаликнинг олдини олиш ва даволаш ёки давом этаётган ҳаётнинг ўзини ўзгартириш керак. Шундай қилиб, инсон умрини чўзиш мумкин, деганди.

Бир минг саккиз юз саксон тўққизинчи йилнинг июль ойида бутун дунёга дув-дув гап тарқалганди: «таниқли француз олими Шарль Броун Секар инсонни ёшартириш усулини топди. Кўп сонли газетхонлар иш қобилиятини ва уйқусини йўқотган етмиш икки ёшли олим Броун Секар қуённинг пушт безидан дори тайёрлаб, ўзини ўзи эмлаганидан ва у бирдан ёшариб кетганидан хабар топдилар. У ўзида кўплаб куч-ғайрат, тетиклик сезди».

«Бироқ иш жуда қалтис чиқиб қолди, — деб ёзган эди И.П. Павлов, — ёшариб ва ўзини яхши ҳис этаётган Броун Секар бир неча ой мобайнида ўзини жуда тетик тутди, сўнг яна қариб, мункиллаб қолиб, тез орада дунёдан кўз юмди».

Ана шундан кейин ҳам тез қаришнинг олдини олиш ва навқирон ёшликни анча вақтгача сақлаб қолиш учун кураш кескинлашса кескинлашдики, сира сусаймади. Бу борада турли ғоялар, фикр ва мулоҳазалар илгари сурилди. Агар Гиппократ даврида инсон умрини узайтиришга оид икки юздан ортиқ назария яратилган бўлса, ҳозирги вақтда эса олимлар тўрт юзга яқин назария ва фаразни олға суриб, кексайиш «сир»ларини билишга уринмоқдалар.

Бетиним меҳнат ва самарали ижод қилганлар умрларига умр қўшганлар, ҳаётга бўлган меҳр-муҳаббатлари уларни янгидан-янги чўққилар сари етаклайверган. Куч-ғайратга тўлиб-тошган Марк Туллий Цицеронни олайлик. У олтмиш уч ёшигача «Кексалик ҳақида трактат» асари устида ижод қилган. Галилео Галилей эса «Ҳаракат ҳақидаги диалог»ини етмиш икки ёшида ёзиб тугатган. Микеланджело Буонарроти ўзининг «Даҳшатли суд» асарини эллик саккиз ёшида бошлаб, олтмиш олти ёшида ниҳоясига етказганди, саксон етти ёшида унинг лойиҳаси ва раҳбарлигида муқаддас Петр сабори гумбази тикланганди.

Тицион тўқсон тўққиз ёшигача ўз суратлари устида ишлашни тарк этмаган. Немис шоири Гёте олтмиш тўрт ёшидан бошлаб Шарқ адабиёти билан шуғулланган, саксон икки ёшида эса «Фауст»нинг охирги қисмини ёзиб тугатган.

Шайх Саъдий 107 йил яшаган ва бебаҳо ижод намуналарини қолдирган. Ёшлари юзга яқинлашишига қарамай, Носир Хисрав билан Лутфий ижод қилишдан асло тўхташмагани тарихдан маълум. Мана бунга нима дейсиз? Суқротнинг устози Георгий 107 ёшга кирибдики, илм-фан билан банд бўлган. У ҳар доим: «Мен қариликдан шикоят қилмайман», — дер экан ён-атрофидагиларга.



### ОЗ ЕЙ, ОЗ ДЕЙ...

Ҳа, алифдек тик қомат камондек эгилишини, қушдек енгил, шердек бақувватликдан оҳиста қадам ташлашга ўтишни ва ниҳоят, дармонсизлик ва уйқусизликка чалинишни ким ҳам истайди?! Буларнинг ҳаммаси хуш-нохуш омиллар, йиллардан мисқоллаб йиғилган турли дардлар туфайли содир бўларкан. Ушбу сатрлар муаллифи Рамз Бобожон қалб торларига чертки бериб, кишини чуқур ўйга толдириши, шубҳасиз:

**Мункайган безовта бир чолни кўрдим...**
**«Ердан не излайсиз, ота?» — деб сўрадим.**
**Жавоб берди: «Кошки топиб беролсанг,**
**Мен йўқотган олтин ёшликни, ўғлим».**

Олимларнинг кейинги изланишлари шуни кўрсатадики, одамлар ва ҳайвонлар тўқималари ҳамда органларида қариш чоғида бирмунча миқдорда витаминлар, кўплаб аминокислоталар ва маъдан моддалар камайиб кетаркан. Буюк олим И.И. Мечниковнинг фикрига кўра, кексайишга сабаб одамнинг йўғон ичагида ҳаёт фаолияти давомида чиритадиган микроблар пайдо бўлиб, организмнинг ичак заҳарлари (индол, фенол ва бошқалар) билан заҳарланишидир.

Дарҳақиқат, чумолидек заҳматкаш, бетиним ҳаракатдаги одамнинг тўрт мучаси ҳамиша соппа-соғ бўлса. Узоқ умр кўриш бахтига муяссар бўлиш қанчалар гаштли!

Ривоятларнинг бирида ёзилишича, юз ёшга кириб ақл-фаросатини сақлаб қолган бир мўйсафиддан: «Узоқ яшашингизнинг сири нимада?» деб сўрашганида: «Ҳаётга бўлган муҳаббатимдир», — деб жавоб берган экан.

Таниқли ўзбек олими, профессор А. Зоҳидов бир суҳбатда қизиқ бир мисолни келтириб ўтганди: киши асаб тизимида тинимсиз равишда электр гирдобига ўхшаш ҳол содир бўлиб туради. Ҳозирги замон электрон машиналари энг майда асаб толалари ҳаракатини ҳам сезиш қобилиятига эга. Ана шу толалар ҳар сония саккиз-йигирма ва ундан ортиқ электрик импульс ўтказиб, бош миямизга хабар бериб туради. Гарчи биз бир қарашда сезмасак ҳам ана шу нозик толалар хафа бўлганимизда, ғазаблангани-мизда ёки қўрққанимизда «ўзи»ни йўқотиб қўяди, иши бузилади, қийналади. Шунинг учун ҳам шифокорлар ҳар доим кишиларни хотиржамликка, бекордан-бекорга хафа бўлавермасликка, ўзаро хушмуомалада бўлишга чорлайдилар.

Киши кексайганда ўзини бардам ва тетик тутиш учун нима қилиши керак? — деб сўрашади. Бунинг бирдан-бир йўли, дейди олимлар, ёшликдан овқатланиш тартибига тўғри амал қилишдир. Кексалар овқати озгина-созгина, ширали ва сифатли бўлиши лозимлиги ҳаммага маълум. Чунки мўйсафиднинг «тегирмони» — ошқозони бирмунча нозиклашган бўлади. Кучли овқат кексаларнинг ошқозон-ичак, юрак-қон томирларини уринтириб қўйиши мумкин. Юмшоққина шовла, холвайтар, ширгуруч, ширин чой қарияларга хуш ёқади, иштаҳани очади. Холестеринга «сероб» бўлган тухум, илик, ёғли гўшт, мол ёғи, балиқ, шунингдек, қалампир, сирка — булар яхшиси, қариялар дастурхонидан узоқроқда тургани маъқул.

Олимлар тавсиясига кўра, тахминан киши етмишга борганда овқатланиш калорияси ўттиз фоиз камайтирилиши керак экан.

Шу ўринда овқатланиш меъёрига амал қилмаслик натижасида хунук воқеа юз берганлигини бир мисол орқали кўрсатиб ўтмоқчимиз. Камбағал инглиз деҳқони Том Парре узоқ умр кўрган. У 103 ёшида хирмонда ғалла янчган. Паррени 152 ёшида қирол Карл II буйруғига кўра, Лондонга қирол саройига келтиришган. Уни бу ерда зиёфат қилишган. Шундан сўнг мўйсафид тўсатдан вафот этган. Таниқли олим Вильям Гарвей марҳум Парре жасадини ёриб кўрган. Унинг барча ички аъзолари бутунлай соғлом бўлган. Ўлим овқат ошқозонда ҳазм бўлмаслиги туфайли юз берганлигини аниқлаган.

Меъёрида овқатланиш хусусида гап кетганда қадимий Римнинг қадимий майдонидан бирида 112 ёшли кексанинг қабридаги ҳайкалга битилган қуйидаги қисқа сатрларни эслаб ўтмай илож йўқ: «У меъёрида еди ва ичди!»

Кексаларимиз ўлим ҳақ, лекин унинг вақти-соатини Оллоҳ билади, дейишади. Зеро, кишилар ҳамиша қанча яшашларини билишга қизиққанлар ва қизиқадилар. Ҳатто фол очтириб кўрадилар. Бугунги кунда ҳам узоқ умр кўришнинг илмий башорати керакми, деган савол туғилади. Шубҳасиз, керак. Лекин шифокорлар орасида одам ёқмаслар чиқиб турар экан, америкалик В. Ослер кексалар юзига оёқ қўйди, десак тўғри таъриф берган бўламиз. Унинг куракда турмайдиган тутуруқсиз гапини кўринг: «Қарияларни олтмишдан ошгандан кейин хлороформ билан ухлатиб қўйилгани маъқул». Унинг фикрича: «Кексалар маданият ва сиёсат учун яроқсиз» эмиш. Эссиз ва яна эссиз, ҳайф сендақа «шифокор»га!

Биз бу фикрга қарши ўлароқ, эрамиздан аввалги асрда яшаган рим файласуфи Цицероннинг ҳақ сўзини келтирмоқчимиз: «Кексалик ҳаётнинг энг азиз онлари. Киши улғайганда бебаҳо ҳаёт тажрибаси хазиналарини ўзида жо қилган бўлади».

«Юманите» газетаси юз ёшдан ошган кексаларнинг узоқ умр кўришларига асал ёрдам бермоқда, деб ёзган эди. Эрталаб анор, тушда серпиёз овқат, кечқурун ётиш олдидан асал есангиз қонингиз кўз ёшидай тоза бўлади, деган эди Ибн Сино. Ёзишларича, Демокрит ўлим тўшагида ётган экан. Ўрим байрами яқинлашганлиги сабабли аёллар ундан ўлмасликни илтимос қилишибди. Шундан кейин Демокрит олдига идишда асал келтириб қўйишларини айтибди. У шифобахш асални ҳидлаб, бир неча кунга ҳаётини чўзибди. Олдидан асал солинган идиш олиб кетилгандан кейингина 107 ёшли Демокритнинг жони узилган экан. Бир кекса: «Мен асаларига таъзим қиламан», — деган экан. Шу ўринда таниқли инглиз ёзувчиси Д. Свифтнинг қуйидаги ажойиб сўзлари ёдга тушади: «Ҳамма кишилар узоқ яшашни хоҳлайдилар. Бироқ ҳеч ким кекса бўлишни истамайди».

### КЕНГ ФЕЪЛ, ЁРУҒ ЮЗ

Келажакка қатъий ишонч инсон қалбини ҳеч қачон тарк этмаган. Академик И. Тарханов ёзган эди: «Биз қатъий ишонамиз, ниҳоят шундай вақт келадики, у пайтда кишилар юз ёшдан аввал дунёдан кўз юмишни ўзларига уят, деб биладилар».

— Қандай қилса, юз йил яшаса бўлади, — деган саволга профессор Н. Маньковский шундай деб жавоб берган:

— Айтайлик, сиз қирқ ёшгача папирос чекдингиз. Айни пайти — уни ташланг. Эрталаб ёғлиқ овқат емоқчи бўлсангиз, иродани қўлга олиб, яхшиси, унинг ярми билан кифояланинг. Ҳаётга қувноқ кўз билан қаранг. Баҳор ёмғиридан, ўқимишли китобдан завқланинг. Кўпроқ ҳаракат қилинг. Ҳаракат куч-ғайрат уйғотади.

Ҳа, шоир айтмоқчи: «Қани энди юз йил яшасанг-у, қаримасанг». Қадимий афсоналарда ёзилишича, қаҳрамонлар минг йиллаб умр кўришганмиш, Тавротдаги Мафусанла тўғрисидаги афсонада айтилишича, у ўнта афсонавий патриархи ичида энг узоқ умр — 969 йил умр кўрганлардан эмиш. Ваҳоланки, қадимий реал қаҳрамонлардан бири, масалан, Искандар Зулқарнайн атиги ўттиз икки йил яшаган-ку!

Ўз вақтида Ибн Сино ҳам огоҳлантириб ўтган: узоқ умр кўриш ўз-ўзидан бўлмайди. Баданни мунтазам чиниқтириш, вақтида овқатланиш, айниқса, бекордан-бекорга асабийлашмаслик даркор. Ҳа, дарвоқе, қимирлаган қир ошар, деб бежиз айтишмаган. Узоқ умр кўриш масалалари билан шуғулланган Гуфеланд: «Ҳалигача бирорта ҳам дангаса узоқ умр кўрган эмас» деган. Хулоса қилиб айтганда, ялқовлар, танбаллар, дангасалар, ишёқмаслар ҳолига вой!!! Вольтер айтганидек: «Ҳаракат — бу ҳаёт!»

Академик З. Г. Френксль юз ёшга кирганида ундан: «Узоқ умр кўришингизнинг сири нимада?» — деб сўрашганида у: «Мен умрим бўйи меҳнат қилдим. Ақлий ва жисмоний ишни тўхтатмадим», — деб жавоб берган.

Узоққа бормай қўя қолайлик. Истиқлолга юз тутгандан кейин она-юртимизда қари-қартангларга эътибор ғоят ошгандан кейин умрларига умр қўшилиб, етмиш, саксон, тўқсон ва юз ёшларини нишонлаётганлар сафи тобора ортиб бораётир. Олимларимиз геронтология муаммосини ечишга астойдил бел боғлашган. Эрта қаришнинг олдини олиш ва даволаш ишлари қизғин давом эттирилмоқда. Кексаларни физиологик кўрикдан ўтказиш доимий ишга айланган. Витаминотерапия, гармонотерапия, новакаин блокадаси, тўқималар терапияси, шунингдек, оксигентерапия (кислород-оқсил коктейли) каби замонавий муолажалар кенг қўлланилмоқда.

Геронтологларнинг шиори шундай, йилларни ҳаётга эмас, ҳаётни йилларга яқинлаштириш керак! Бугунги кунда биолог ва шифокорлар, гигиеначилар ва социологлар, психолог ва иқтисодчилар ҳамкорликда узоқ умр кўриш муаммосини ҳал этишаётгани ғоят қувонарли ҳол. Атоқли ўзбек олими А.Юнусов келажакда одамнинг умри 150-170 йилдан кам бўлмайди, деб умид билдиришида ҳам жон бор. Орзуга айб йўқ, дейдилар. Ўз вақтида Ибн Сино ҳам: Ҳавода чанг ва ғубор бўлмаганда киши минг йил яшаган бўлар эди, деб армон қилганди.

Нима бўлганда ҳам кексалик ёшига етиб, уни роҳат-фароғатда ўтказишга ҳеч нарса тенг келмаса керак. Лекин ўшангача етиб боришнинг ўзи бўлмайди. Умр манзиллари теп-текис, асфальт ётқизилган кўча эмас. Унинг паст-баландликларини, тўсиқ ва ғовларини, аёзли изғиринларию иссиқ ва совуқларини мардонавор енгиб ўтишга тўғри келади.

Бироқ онда-сонда бўлса-да, ҳаётда кўнгилга наштардек санчиладиган айрим воқеа-ҳодисалар ҳам учраб туради. Айниқса, кексайган чоғингда бетавфиқ фарзандларнинг хўрлигига учрашдан Оллоҳ асрасин.

«Бош яраси рўмол ичида, қўл яраси енг ичида» деб тишимни тишимга қўйиб келдим. — Бундан бир неча йил аввал бир онаизор ўз ҳикоясини шундай бошлаган эди. — Кексайиб тобора дармондан қолган сайин дардларимни, юрагимни эзиб келаётган ҳасратларимни енголмай қолдим. Сабр-бардошим тугади.

Саратоннинг жазирамасида чўлдаги киши сувга ташна бўлгани каби мен ҳам ўз фарзандларим меҳрига зор бўлдим. Ёшим олтмишга етди. Уч ўғил кўриб, тарбиялаб вояга етказдим. Катта ўғлим олий ўқув юртида дарс беради, доцент. Ўртанча ўғлим шифокор, кенжаси талаба. Уларнинг бўйини — камолини кўриб, мен қувонмай ким қувонсин. Улар ахир менинг юрагимдан, этимдан, жигаримдан бино бўлиб, жонимдан жон олишганку, ахир.

Шундай фарзандларнинг онаси қандай бўлиши керак? Афсус, минг афсуски, сиз ўйлаганчалик эмас. Катта ўғлим уйдан чиқиб кетган. Шу кетганча изини ҳам, ўзини ҳам кўрсатмайди. Ўзим бориб кўрай, набираларимни бағримга босай десам ўғлим ҳам, келиним ҳам йўл бермайди. Икки ўғлим бағримда-ку, деб шукр қилган эдим. Афсус! Мен фарзанд эмас, ўзимга қўл кўтарган чаёнларни туққан эканман. Айтаверсам, юрагимдаги аламларнинг адоғи йўқ. Лекин оналик иродам буларга йўл қўймайди. Ҳамон фарзандларимни тўғри йўлга қайтишини, одам фарзанди бўлиб қолишини умид қиламан».

Бундай оқпадар фарзандлар эҳтимол, Ҳадиси шарифда уч марта аввал онангга, сўнгра отангга салом бер, деган пурҳикмат сўзларни унутишгандир. Эҳтимол, улар Қуръони каримда битилган: «Оллоҳ ҳамма нарсани билгувчи, кўргувчидир», — деган даъватни ҳам назар-писанд қилмовчи имонсиздир. Ҳайтовур кейин билсак, бу ишга маҳалла оқсоқоллари аралашгач, улар она ҳузурига қайтиб, тавба-тазарру қилиш истагини билдиришибди. Гуноҳларини рўйи рост тан олишиб, одамийлик йўлига қайтишга ваъда қилишибди. Она балки уларни кечирар, ўтган кунларни унутар, оналик меҳри барча гуноҳлардан устун келар... Бироқ фарзандлар қалбида она чеккан руҳий азобнинг ўчмас излари қолмасмикан? Ўз онасини унутган фарзандлар келажакка қандай умид билан қарай оладилар? Эртага ўз фарзандларидан нималар кутадилар?!

Шундай бир ривоят бор. Кекса ота узоқ вақт оғир хасталикка чалиниб, беморлик тўшагида ётиб қолибди. Отанинг дарди чўзилган сайин фарзанднинг бардоши тугай борибди. Кунлардан бир кун бемор отани ажалидан беш кун бурун узоқ манзилга элтиб, борса-келмас дарага ташлаб келмоқчи бўлибдию отга ўнгариб йўлга тушибди. Шунда унга ўғли ҳам эргашибди. Йигит ўғлини жеркиб: «Сен қаёққа боряпсан, қайт бу йўлдан», — деган экан, унга жавобан ўғли: «Бир кун сизни кузатиб борадиган йўлимни кўриб қўймоқчиман» деб жавоб берибди. Кўриниб турибдики, хулосаси аён, баёнга ўрин йўқ.

Биз юқорида кексалар хонадонимиз чироғи ва қувончи, деб бежиз айтганимиз йўқ. Қарияларни асранг, уларни эъзозланг, дейишларида ҳикмат кўп. Чин маънода улар чексиз меҳр-муҳаббат ва иззат-ҳурматга сазовор. Маҳаллаларимизнинг бошқошлари ҳам ахир шулар-ку. Улар бизни бизга нисбатан юз чандон ортиқ севадилар. Чунончи, Кавказда бир булоқ бор. Унинг ёқасидаги тошга шундай сўзлар ўйиб ёзилган: «Йўловчи, ушбу қудуқнинг муздек зилол сувидан ич! Соядаги курсига ўтир. Сўнг менинг ўғлим ҳақида фикр юрит!» Кўрдингизми, ота-оналар меҳр-муҳаббати қанчалар қайноқ!

Қариси бор уйнинг париси бор, дейдилар. Уларни қадрлаш, ардоқлаш, соғлиқларига соғлиқ, умрларига умр қўшиш, аввало, фарзандларнинг, барча каттаю кичикнинг шарафли ва муқаддас бурчи эканлигини бирор дақиқа бўлса ҳам асло унутмаслигимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Шоир айтганидек, «табаррук кексалар сизни ардоқлаб, бошимиз устига қўйсак шунча оз!»

■ **Миршароф МУҲСИМОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Жаҳон солиқ тизими тажрибасидан ва солиқ сиёсатини такомиллаштириш тамойилларидан келиб чиққан ҳолда 2002 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахсларнинг автотранспорт воситаларига солинадиган мол-мулк солиғи бекор қилинди ва унинг ўрнига бензин, дизел ёнилғиси ва суюлтирилган газни жисмоний шахсларнинг автотранспортлари томонидан истеъмол қилишга солинадиган солиқ жорий этилди.

Бензин, дизел ёнилғиси ва суюлтирилган газни жисмоний шахсларнинг автотранспортлари томонидан истеъмол қилишга солинадиган солиқ ставкаси қуйидагича ўрнатилди:

**бензин ва дизел ёнилғиси — 1 литр учун 20 сўм;**
**суюлтирилган газ — 1 кг. учун 17 сўм.**

Ушбу солиқ жисмоний шахслар томонидан бензин, дизел ёнилғиси ва суюлтирилган газни харид қилаётган вақтда мазкур ёнилғиларни сотувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўрнатилган нархларга устама сифатида тегишли ставкаларда харидордан ушлаб қолинади ва белгиланган муддатларда бюджетга ўтказилади.

Жисмоний шахсларнинг автотранспорт воситаларига солинадиган мол-мулк солиғи ўрнига бензин, дизел ёнилғиси ва суюлтирилган газни жисмоний шахсларнинг автотранспортлари томонидан истеъмол қилишга солинадиган солиқни жорий этиш автотранспорт воситаларидан фойдаланиш даражасини ҳисобга олиш имкониятини беради.

■ **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Матбуот хизмати**

## АРЧА АТРОФИДА

Мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, фарзандларимизнинг Президент арчаси атрофида янги йилни кутиб олиши уларда она юртга бўлган муҳаббат ва садоқатни тарбиялайди. Шуни ҳис қилган Навоий вилоят ҳокимлиги бу тадбирга алоҳида эътибор бериб, Навоий, Кармана, Зарафшон шаҳарларида ҳамда туман марказларидаги таълим муассасаларида Президент арчаси ташкил этишга эътибор қаратди.

Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида ўтказилган Президент арчаси байрам тантанасида вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Ғайбулла Дилов болажонларни янги йил билан самимий табриклади ҳамда 400 нафар болага Президент совғаларини топширди. Бундан ташқари 67 мингдан зиёд мактаб ва боғчада тарбияланаётган болаларга вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан ва Навоий тоғ-кон металлургия комбинати, «Навоийазот», «Қизилқумцемент» корхоналари ҳамда бошқа ҳомийлар томонидан янги йил совғалари улашилди.

■ **Ўткир ПЎЛАТ**




## ҚУВАСОЙДА ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

Қувасой туманидаги Ўзбекистон — Америка «Деларос» қўшма корхонасида яна бир ишлаб чиқариш тармоғи ишга тушди. Эндиликда бу ерда қурилиш хомашёларидан бўлган пайвандлаш электродлари ва мих ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу кунларда бир сменада 5 тоннагача электрод ишлаб чиқарилмоқда. Қўшма корхона маҳсулотлари замонавий технологиялар асосида тайёрлангани ва юқори сифати билан мижозлар эътиборига сазовор бўлмоқда.

Янги ишлаб чиқариш тармоғининг ўзига хослиги шундаки, электрод ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлган чиқинди симлардан турли ҳажмдаги михлар тайёрланмоқда.

✧✧✧

**Суратларда:** ***1. Қувасой туманидаги Ўзбекистон — Америка «Деларос» қўшма корхонасининг умумий кўриниши.***
***2. Ишчилар Анвар Холматов ва Муҳаммад Оловиддинов иш устида.***

■ **ЎзА олган суратлар**



## ХАЛҚАРО АНЖУМАН

*Қашқадарёда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ТЕМПУС ахборот маркази, Қарши давлат университети ҳамкорлигида «Илғор педагогик технологиялар» халқаро анжумани бўлиб ўтди.*

*Ривожланган мамлакатларда педагогик жараёнга технологик ёндашув, таълим технологияси самарали натижа бермоқда. ЮНЕСКО томонидан ҳар йили илғор педагогик технологияни умумлаштиришга бағишланган халқаро семинар ўтказилиши бу жараённинг нақадар долзарблигидан далолат беради.*

*Анжуманни кириш сўзи билан очган Қарши давлат университети ректори, профессор Гулмирза Худойберганов қуйидагиларни айтди:*

*Илғор педагогик технология икки йўл билан ривожланади: аввало, инновацион педагогик технологияни изчил ўрганиш ва жорий этиш; иккинчидан — Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида педагогик технология ва амалиётини такомиллаштириш. Университетимиз олимлари Европа ҳамжамияти ТЕМПУС дастури гранти бўйича иш олиб бормоқдалар. Ўндан ортиқ тадқиқотчиларимиз Англия, Финляндиянинг етакчи олий ўқув юртларида бўлдилар. Педагогик технологияни жорий этиш ишлари билан танишдилар. Ўз тажрибаларини оммалаштирдилар. Анжуманнинг аҳамияти унинг Қашқадарёда ўтказилиши маънавий ҳаётимизда катта воқеа.*

*Унда мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларидан ташриф буюрган профессор-ўқитувчилардан ташқари Россия ва бошқа Ҳамдўстлик мамлакатларидан келган олимлар ҳам иштирок этди.*

■ **Фарруҳ ҲАМИДУЛЛО ўғли**

**Биз мафкуравий курашлар даврида яшаяпмиз. Бунда газетанинг ҳам ўзига хос ўрни бор.**

# ГАЗЕТАНИНГ ЎРНИ



Кўпинча чет эл журнал ва газеталари «олди-қочди»дан иборат деб айтамиз. Лекин бу газета ва журналларнинг ҳозирда кўп нусхаларда бо-диган бўлсак, айтарли кенг эмас. Республикамизда кўзга кўринган ижтимоий-сиёсий газеталар тиражи 100 минг нусхага етмайди. Демак, бу газеталарнинг жамиятимизга таъсири етарли эмас. Бу газеталар ўз вақтида етиб бормайдиган нуқталар ҳам мавжуд.

XX аср ўрталарида телевизор, радио, кейинроқ интернетнинг кашф этилиши ва силиши ва юртимизда ҳам ўз ўқувчиларини топаётганидан кейин ҳам шундай дейиш жоизми? Бундан ташқари, бугунги матбуот эгалари маънавият, маърифат тарқатувчисими ёки тадбиркор, деган савол туғилади. Бу саволга ривожланган мамлакатлар мисолида жавоб беришга ҳаракат қилсак. Биргина АҚШда 1550 та кунлик, 7500 та ҳафталик газеталар мавжуд. «Washington post», «New-york times» газеталари бутун дунёга тарқалади. Миллионлаб ўқувчилари бор. Матбуот бу ўлкада ҳақиқий бизнесга айланган. Давлат бюджетига ҳар йили миллионлаб фойда келтиради. Американликлар бундай натижага қандай эришди, деган саволга олимлар ҳар бир журналист халқнинг дилидаги гапини ёзади, деб жавоб берадилар. Ўқувчининг хоҳиши америкалик журналистлар учун муҳим ҳисобланади.

Бошқа давлатлар сингари биз ҳам газетани оммавий минбар деб биламиз, лекин унинг бугунги кунда юртимизда ўз аудиторияси қандай? Мавжуд фактларга асосланакенг оммалашуви газета-журнални рақобат майдонидан қисиб чиқаради, деган тахминлар олға сурилди. Лекин бу тахмин ўз тасдиғини топмади. Бунинг акси, газеталарга жамиятда эҳтиёж ортиб борди.

Бугун дунё Японияни бошқа соҳалар каби газетачиликда ҳам пешқадам деб билади. Бу мамлакатда кунига 70 миллион нусхада газета босилиб чиқади, яъни ҳар икки кишига 1 тадан газета тўғри келади ҳамда японлар ҳар куни камида газета ўқишга 40 минут вақт ажратади. Икки миллий газета — «Asahi Shimbun» ва «Yomumura shimbun» бир кунда икки маротаба миллионлаб нусхада босилади. Қолаверса, деярли дунёнинг ҳар бир нуқтасида бу газеталарнинг ўз ваколатхоналари бор. Воқеа жойидан тафсилотларни газетанинг ўз мухбири шарҳлаб боради. Японлар ёт мафкуралардан ҳимояланишни муҳим ҳисоблайдилар. Демак, газета халқнинг миллат бўлиб шаклланишида жуда муҳим роль ўйнайди. Бундан ташқари, дунё тажрибасида кўрилганидек, радио ва телевизорга нисбатан газета инсонни кўпроқ фикрлашга ўргатади, савиясини оширади.

Шундай экан, газеталаримиз ҳам ўзининг миллионлаб ўқувчисини топишга ҳаракат қилиши замон талабидир.

Газеталарнинг кам нусхада чиқиши муассиснинг иқтисодий имкониятлари мезонига қарамайди.

«Ит одамни қопса эмас, одам итни қопиб олсагина янгилик бўла олади» деган гап чет эл журналистикасига тааллуқли. Тўғри, бу гапнинг маъносини ҳар томонга буриш мумкин. Ҳар ҳолда мактаб ёки боғчадаги тадбирларни ёритиш ёки бирор муассасадаги «давра суҳбати» ҳақидаги мақолалар билан тўлиб-тошган газета бугун ўқувчига қизиқ эмас.

Қайси мамлакатнинг журналисти бўлмасин, у биринчи навбатда ўз халқи манфаатидан келиб чиқиб иш кўради. Шундай экан, интернет ёки хорижий газета ва журналлардаги шов-шув хабарлардан фойдаланиб, ўз нусхасини ошираётган баъзи тижорат газеталари қандай манфаат юзасидан иш кўраяпти? Иқтисодий манфаат бўлиши мумкин, лекин Ватан тушунчаси устувор бўлмоғи лозим.

Бу фикрлар барчаси мулоҳаза ўрнида холос. Газеталаримиз ўз ўқувчиларини топмаяптими, демак, бу соҳа ҳали изланишни талаб қилади. Яна бир гап. Халқ истаги, хоҳиши юксак тамойилга айлангандагина обуначини биз эмас, у бизни излаб топади.

■ **Юнус БЎРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**




## МУДДАТ — ИККИ ҲАФТА



Аргентинада юзага келган иқтисодий инқироз мамлакатда ҳукумат раҳбарларининг тез-тез алмашишига сабаб бўлмоқда. Сешанба куни Аргентина конгресси янги президентни эълон қилди. 60 ёшли Эдуардо Дуалде бунгача Буэнос-Айрес вилоятининг губернатори бўлган. 90-йилларда эса Аргентина ҳукуматида вице-президент лавозимида ишлаган. Унинг номзоди учун конгрессда 262 киши овоз берган. Ҳозирча Дуалденинг президентлик лавозими муддати икки ҳафталик қилиб белгиланган.

## ЯНГИ ЙИЛНИНГ ТЕРАКТЛАРИ



Сешанба куни Индонезиянинг Палу оролидаги Марказий Сулавесида бирданига тўртта черковда портлаш юз берган. Учта портлатиш қурилмасининг қанақанги эканлиги аниқлангани йўқ, бироқ улар айнан черков яқинига ташлаб кетилгани тахмин қилинаётир. Портлаш натижасида черков эшиклари ва деразалари зарарланган, қурбонлар ҳақида маълумот йўқ. Тўртинчи портлатгич эса черков қўриқчиси томонидан топилган, бироқ полиция томонидан зарарсизлантиришда портлаб кетган. Полициячилардан бири жароҳатланган. Шу куни Жакартада ресторан яқинида портлаган бомбадан бир киши нобуд бўлган. Полициячилар бу портлашлар орасида боғлиқлик йўқ, деб ҳисоблашаяпти.

## ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ



2002 йилда АҚШ Президенти Жорж Буш Россияга иқтисодий ёрдам уюштириш мақсадида эканлигини маълум қилган. Фақат бу ёрдам Россиядаги мавжуд ядровий, биологик, кимёвий қуролларни зарарсизлантириш миқёсида амалга оширилади. Мутахассисларнинг фикрича, бу ташаббус Россия қуролларининг учинчи мамлакатларга чиқиб кетишининг олдини олиш учун амалга оширилмоқда.

## БАСКЛАР ГУМОНГА ОЛИНДИ

Сешанба куни Испаниянинг Герника шаҳрида 40 нафарга яқин номаълум шахслар шаҳардаги тўртта банкка портлатиш қурилмаси — «Молотов коктейли»ни ташлашган, кейин эса воқеа жойига етиб келган полициячилар билан тортишувга киришишган. Қурбонлар ҳақида маълумот бўлмаса-да, полиция томонидан 30 литрга яқин шундай портлатувчи «коктейл»лар қўлга киритилгани ҳақида хабар қилинади. Ушбу ҳужум жавобгарлигини ҳеч ким ўз бўйнига олмаган бўлса-да, полиция бу ЭТА айирмачилари томонидан амалга оширилганини гумон қилмоқда.



ИТАЛИЯ. МЕЪМОРИЙ ОБИДА

**АЖАБТОВУР ТАДҚИҚОТ**

**Умргузарон одамларнинг ҳаётига қизиққанмисиз? Сизнингча, узоқ яшашнинг сири нимада? Очиқ ҳавода юриш, меъёрида овқатланиш, асосийси, асабни асраш... ва бошқа-бошқалар. Тўғри. Лекин бу кечаги гап. Бугун-чи, аниқроғи, олимлар бу ҳақда нима дейишяпти?**

# ЮЗ ЙИЛ ЯШАШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Олмониядаги инсон организмининг «кексайиши» муаммоларини ўрганувчи илмий-тадқиқот лабораториясининг раҳбари, профессор Роланд Принцингернинг таъкидлашича: «Қанча ухлайсиз, нима ейсиз, ҳатто «ишққа ўчлик» ҳам умрнинг узун бўлишига таъсир этади».

Аслида, табиат инсонга барини қатъий қилиб, айтиш мумкинки, бироз «қаттиққўллик» билан ўлчаб берган: Сени дунёга келтирдими, сен ҳам ўзингдан зурриёт қолдир, боқийликни давом эттир. Лекин қалбингдаги қўр, кўзингдаги нур, белингдаги қувват ҳам «ўлчанган», куни келиб ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати — ўлим олдида таслим бўлишдан ўзга чора йўқ. Ҳайвонот олами, ўсимлик дунёсининг барига шу — қонун.

— Демак, фаровон турмуш, доимий жисмоний ҳаракат, батартиблик узоқ умр кўришнинг гарови эмасми? Ё сиз бошқа фикрдамисиз?

Олмониялик олим бу саволга:

— Дарҳақиқат, сиз айтган омиллар юз йил яшашга ёрдам берар, лекин... Айтайлик, ҳайвонот оламида аксарият узоқ яшовчи ҳайвонлар табиатан ўта ҳаракатчан эмас-ку? Тошбақа 250 йил яшайди, шу «тезлик» билан. Умрини хонада мудраб ўтказадиган мушук елиб-югурувчи итдан узоқ яшайди. Тиниб-тинчимас колибри — Америкада яшайдиган жажжи қушлар организмида модда алмашинуви энг тез ва серҳаракатлилиги билан бошқа қушлардан «олдин» турсада, 3-4 йил яшайди, холос. Мутахассисларнинг фикрича, жинсий ҳаёт ҳар қандай организмда модда алмашишини тезлаштиради.

Тирик организмнинг ўзи жумбоқ. Яна бир тажриба, урчишига шароит яратиб, ярим оч ҳолатда сақланган сичқон «парҳез қилмаган» сичқондан кўп яшайди.

Албатта, бу ҳайвонот оламида ўтказилган тажриба. Лекин одамда-чи? Одам организмидаги энергия қанча тез сарфланса, организм шунча тез «қартаяркан». Бу жараёнда баъзи касалликлар ҳам муҳим роль ўйнаркан, масалан, қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши. Яна бир мисолни эслайлик, қон босими паст одам доим қон босими баланд юрадиган кишидан кўп умр кўради. Ёки умрини савобга бахшида қилган, фахшдан, умуман, жинсий ҳаётдан воз кечган роҳиб нега юз йил яшамайди? Ахир у қайсидир маънода «энергия»ни асрайди-ку?

Қизиқ бир далил: суннат қилинган эркаклар бошқалардан 15 йил ортиқча умр кўраркан. Агар аёл ва эркакнинг физиологик ёшига қараб айтадиган бўлсак, тенгдош эркак ва аёлнинг бир грамм вазнига кўра бир хил энергия «йиғади», лекин эркак уни «тез» сарфлайди, холос.

Олимнинг таъкидлашича, умргузаронликка яна бир сабаб, инсон организмининг «ишққа ўч» ёки «суст»лигига боғлиқдир. Қаранг-ки, ғийбатчилик, фисқу фужур, жиззакилик эркак кишининг ишқдаги қобилиятини «синдирар»кан. Демакки, умрини ҳам синдиради. Аёлнинг эса организми бундай ҳолатдан қарий бошларкан.

Демак, умргузаронлик ўзимизга, кўнглимизга ҳам боғлиқ экан.

■ **Саида САЙХУН тайёрлади**

**ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ**

# ОЙДАГИ ДОҒ

## ЁКИ ОЛТИНКЎЛ ТУМАНИДАГИ «АНДИЖОН» ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИ РАИСИ ИШДАН ҚАНДАЙ ОЛИНГАНИ ХУСУСИДА

**1**

Олтинкўл туманидаги «Андижон» ширкат хўжалигининг бир гуруҳ аъзоларидан таҳририятимизга шикоят хати келди. Унда: «...Вилоятимиз ҳокимиятининг берган ёрдами туфайли Олтинкўл элу юртга танилди. Бу ютуқлар 1999 йилдан буён ҳоким бўлиб ишлаётган Ғуломқодир Маматқодировга қўл келди ва уни шошилтириб қўйди. Олтинкўлнинг барча соҳаларини ривожлантираётган кадрларни унутиб қўйди. Бу Олтинкўлда салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин.

Ана шундай ҳолатлардан бири бизнинг ширкат хўжалигимизда шу йилнинг (2001 йил назарда тутилмоқда — М.Қ.) 9 июнь куни, пешин соат 3-4ларда туман ҳокими ва унинг вакиллари хўжаликка бирдан ёпирилиб келиши билан юз берди. Хўжалик аъзолари далада, ҳеч нарсадан бехабар, осойишта ишлашарди. Шу пайт келган туман ҳокимлиги вакилларига топшириқ бўлади: улар далага, гаражга ва бошқа жойларга бўлиниб, тўғри келган ширкат аъзоларини олиб келишади. Йиғилиш бошланади. Йиғилишда туман ҳокими, ИИБ бошлиғи, ҳоким муовини қатнашади, бироқ йиғилишда хўжалигимиз раиси Нуриддин Ғуломов йўқ эди. Ҳамма ҳайрон.

Йиғилишда ҳоким сўз олиб: «Раис ариза ёзган, бошқа раис сайлаймиз», деди. Лекин ариза нима мақсадда ёзилганлигини ўқиб бермади. Ширкат аъзолари қўл кўтармади, яна шу гапни ҳоким 2-3 марта айтди, яна тасдиқланмади. Шунда ҳоким: «Сизларга айтаяпман, бу вилоят ҳокими билан келишилган», — деди-да йиғилишни тугатди.

Янги раис Қ.Сатторовни тайинлаб кетди. Янги раис шу кундан бошлаб танишбилишларини, қариндош-уруғларини ишга жойлади. Муҳит ўзгарди. Бугун халқ билан тил топиша олмаган раҳбар қариндош-уруғлари, мансабга қўйган кадрлари билан қолди, холос.

Хўжаликда ҳар бир қарич ер ширкат аъзосига бириктириб берилган. Ширкат нималигини билмаган раҳбар уни буза бошлади. Буғдойдан бўшаган ерларни пулдорларга сотди. Шоли эктириб, аҳоли томорқаларини захлатди. Президентимиз қарорлари бузила бошланди. Ҳар йили вақтида бериладиган уруғлик пахта пули шу кунгача берилгани йўқ. Туман ҳокими Маматқодиров томонидан қанчалик ҳомийлик қилинмасин, хўжалигимизда вазият ўзгариб бормоқда. Халқимиз Қ.Сатторовдан норози.

Биз шу кунгача ҳайронмиз: собиқ раисимиз Н.Ғуломовни, ҳамма соҳаларда иш яхши кетаётган пайтда, қолаверса, 10 йил давомида вилоятда илғорлар сафида юрган кишини нега ишдан олишди? Бу ҳақда вилоят ҳокимлигига бир неча маротаба мурожаат қилдик. Лекин қониқарли жавоб ололмаяпмиз», деган узундан-узоқ жумлалар битилган эди. Хатни ўқиб бўлиб, биз ҳам бир айби бордирки, туман ҳокими «тезкор» мажлис чақириб, раисни ишдан олиб ташлагандир-да, деган хаёлга бордик.

Бироқ шикоят хатига илова қилинган «1992 ва 2000 йиллар мобайнидаги ширкат хўжалигидаги иқтисодий кўрсаткичлар»га эътибор берарканcиз, бирон йил йўққи, хўжалик қайсидир соҳада режа ва топшириқларни уддалай олмаган бўлса. Аксинча, бу йиллар мобайнида ҳар бир гектар ерда пахта етиштириш 28,1 центнердан 39,9 центнерга, дон етиштириш 32 центнердан 72,5 центнерга ўсганлигини, даромад пахтадан 19 миллион 513 минг сўмдан 65 миллион 134 минг сўмгача, дондан 309 минг сўмдан 32 миллион 404 минг сўмгача кўтарилганлигини кўрамиз.

Шикоят хатини чуқурроқ ўрганиш мақсадида Андижон вилоятининг Олтинкўл туманига бордик. Даставвал, туман ҳокими Ғуломқодир Маматқодиров қабулида бўлдик. Ҳоким шикоятни ўқиб чиқди-да:

— Кейинги пайтда ушбу хўжаликда деҳқончилик пасайиб кетди. Шу ҳолатларни ўрганиб, янги раис тайинладик. Ҳозирги раис жуда ишбилармон, деҳқондан чиққан. Шикоятчиларга келсак, уларнинг ҳар биридан тушунтириш хатлари олганмиз. Ишқилиб, ишга ижобий қарангда, — деди ҳоким.

Шундан сўнг биз туман ҳокими муовини Зуҳриддин Сатторов билан хўжаликка йўл олдик. Хўжалик раиси ўз хонасида экан. Одамлар ширкат хўжалигида юз берган, юз бераётган ишлардан норози бўлишаётганлиги ҳақида шикоят қилганлигини тушунтирдик. Хат ёзганлар билан учрашиш ниятимиз борлигини айтдик.

— Сиз аввал халқимиз билан учрашинг. Шунча шикоятларни уюштираётган, сувни лойқатаётганлар бир киши, холос, — дейди раис. — Имзолар ҳам бир хил. Борсанглар ҳам улар ёзганлигини тан олишмайди. Мана кўрасиз. Фақат сизларни Тошкентдан овора қилишганлиги қолибди-да...

Режамиз қатъий, шикоят ёзганлар билан учрашиш эканлигини сездида: «Бўлмаса, мен ҳам бирга бўламан», — деди. Бизга ўша керак эди, жуда яхши бўларди, дедик. Чунки юзма-юз, очиқ,

**2**

дангал гаплашиб олишга нима етсин. Эртага «Мен ҳақимда ундай-бундай гапларни мухбир ўзи тўқиб чиқарибди» деб юргандан кўра...

Хатга имзо чекканларнинг кўпи «Қўштепасарой» қишлоқ фуқаролар йиғини мажлислар залига йиғилишди. Ҳоким муовини, раис ҳам иштирок этди. Улар билан суҳбатлашамиз.

— Биз тасодифан ишдан олинган собиқ раисимиз Нуриддин Ғуломовни ўз жойига қўйилишини талаб қиламиз, — дейди йиғилганлардан бири Абдуллажон Солиев. — Чунки у одам бировнинг ҳаққига хиёнат қилишни билмасди. Одамлар меҳнатини қадрлай оларди. Биз аввал бу ҳақда туман ҳокимлигига, кейин вилоят ҳокимлигига билдирдик. Натижа бўлмагач, сизларга ёздик. Вилоят ҳокимлигидан Аҳмадали Тоштемиров келиб-кетди. Нима учун собиқ раисимиз ишдан олинганлигининг сабабини айтиша олмаяпти. Касаллигим сабаб уч кундан кейин ишга чиқсам, ҳақиқатни айтганим учун ўрнимга нафақадаги одамни тайинлабди. Шу ҳам адолатданми?

— Янги раис тайинланибди дегандан ҳеч қанча вақт ўтмай биз дам оладиган пайкал бошидаги вагонни ўзининг ва ҳокимнинг қўйларини боқиб юрадиган чўпонларга олиб берди, — дейди ширкат аъзоларидан бири Равшан Валиев. — Ялангликда қолдик. Охир-оқибат ўзимни ҳам ишдан бўшатишди. Беш йил хўжаликка меҳнат қилиб, бу йил ҳеч нарса бермади.

— Эрим шу хўжаликда ширкат аъзоси бўлиб, 7,5 гектар ерда ишларди. Ҳозир бекорчи бўлиб қолди, — дейди Ҳабиба Мирзаҳмедова. — Ҳатто ўзим ҳам бекор пайтларимда хўжалик ишларига ёрдам берардим. Ғоҳ пахта теримига, ғоҳ бошқа юмушларда, ишқилиб бекор ўтирмасдим. Янги раис эса бунга имконият бермади. Ишлаймиз деб борсак, аёлларни олдимга киритманглар, дебди.

— Бизнинг 1-бригадада аёлларга нисбатан ҳурмат йўқолди, — дейди ширкат аъзоси Ҳамида Ғайназарова афсусланиб. — Меҳнатимиз кейинги 6 ойда қадр топмаяпти...

Ширкат аъзолари Эргашева Сайёра ва Эргашева Саидаларнинг бувиси Ширмохон ая ҳам унинг фикрини давом эттирди.

— Оиламизда 13 жон бор, — дейди онахон. — Фарзандларимнинг, кўпчилиги уйли-жойли бўлгани йўқ. Яқинда яна бир фарзандимни уйлантиришим керак. Хўжаликда янги раис одамлар билан келишолмагандан сўнг ўғлимни Тошкентга ишга жўнатдим. Ахир ўн йилдан бери Нуриддин халқ билан тил топишиб, ишлаб келаётган эди-ку? Раисимизни бўшатиб, катталар нима манфаат топишибди экан? Унинг айби бўлса, катта раҳбардан кўра биз яхшироқ билардик-ку?

— Янги раис ҳам, уни қўйиб кетган ҳоким ҳам, Исматулла Қобулов ҳам (вилоят ҳокими ўринбосари. — М.Қ.) халқнинг нафратига қоляпти, — дейди хўжалик аъзоси Йўлдошхон Ғозиев. — Уруғлик пахта пулини илгари собиқ раис сентябрь ойидаёқ берарди. Одамлар айтсин, ҳали 6 ойлик меҳнат ҳақларини ҳам олганлари йўқ.

Бир нарсани очиқ айтишимиз керак. Бугун хўжаликда ўзга одамлар ишлаяпти. Шоли масаласи бўйича гапирсам: шолини эндиликда томорқамга ҳам экмаяпман. Сабаби, ҳукумат қарори бор. Янги раис эса хўжаликнинг унумдор ерларидан гектарини 150 минг сўмдан сотди. Ерни ишдан чиқарди. Охир-оқибатда аҳоли томорқалари захлади. Энди эса зовур қазиб, захни қочириш ишларини қилдираяпти. Мана сизга янги раиснинг 6 ойлик ишлари.

**3**

— Собиқ раисимиз Нуриддин Ғуломовдан 9 июнь, яъни ишдан бўшатилган куни эрталаб ҳам топшириқ олганман, — дейди бригада бошлиғи Озодахон Сайдуллаева. — Ўша куни ҳам Нуриддин ака очиқ чеҳра билан юрганди. Пешинга бориб туман ҳокимлигидан келишган вакиллар ҳаммани тўплай бошлади. Мажлис бошланганда раисимиз йўқ эди. Ҳоким раисимиз ишдан ўз аризасига биноан бўшаганлигини айтиб, бир қоғозни кўрсатди ва янги раис Қ.Сатторовни тайинлаб кетди. Хуллас, шу кундан бошлаб янги раис ўз кароматларини — «ҳокимнинг ўз одами» эканлигини кўрсата бошлади. Шахсан мени ҳам ҳақоратлади. Ишдан бўшашимга шаъма қилди. Лекин мен ушбу ноҳақлик охирига етмай туриб ишдан бўшамайман.

Пахта тайёрлаш режасини бригадамиз аъзолари 27 августгача бажаргандик. Афсуски, рағбат ўрнига, маломатларга учраяпмиз. Бу гаплар битта менинг гапим эмас, 86 нафар бригада аъзоси ҳам худди шундай дейишмоқда.

Менга Қ.Сатторов томонидан қанчалик тазйиқ ва ҳақоратлар бўлмасин, халқим, юртим учун ишлайвераман. Хуллас, бизга Ғуломов яна раис бўлишини истаб қоламиз.

Ширмохон ая шу пайт «Нуриддин халқнинг олдида айбдордек ичидан эзилиб юрмасин, туман катталари халқни йиғиб мажлис қилсин. Ана шунда халқ кимни танлашини яхши билади. Қаҳрамонни танласа, ишлайверсин» деб қолди. Ҳақиқатан ҳам мана шу йўл адолатли бўлармиди...

Буюк шоир Чўлпон «Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир» деб бежиз айтмаган. Халқнинг иродаси билан иш тутиш бугун демократик йўлдан бораётган мамлакатимизнинг ҳам йўлидир. Шундай экан, ҳақиқат топталишидан огоҳ этаётган «Андижон» ширкат хўжалигининг бир гуруҳ аъзолари истагини жойлардаги мутасаддилар нега тинглашни лозим топмаяпти?

«Андижон» ширкат хўжалиги аъзолари вакилларининг 2001 йил 9 июнь кунги йиғилиши баёнида «1999-2000 йилларда тумандаги хўжаликлардан «Андижон» ширкат хўжалигида деҳқончиликка бўлган қизиқиш ва талаблар йил охирига келиб кескин сусайиб давлат режасини бажара олмаётганлиги, хўжаликлар ичида паст кўрсаткичларга эришганлиги аниқланди», дейилади туман ҳокими Ғ.Маматқодиров нутқида. Аслида шундайми? Хўжалик 1999 йилда 276 гектар майдонда пахта экиб, 814 тонна ўрнига 1101,2 тонна ҳосил топшириб режани 135,3 фоизга бажарган бўлса, 2000 йилда 272 гектар ерга пахта экиб, 837 тонна ўрнига 985,4 тонна, яъни режани 117,7 фоизга бажарган эди. Ғаллада ҳам 1999 йилда 162 гектар ерга дон қадашиб, 893 тонна ўрнига 1175 тонна — режа 131,6 фоизга, ҳосилдорлик 72,5 центнерга етказилган бўлса, 2000 йилда 162 гектар ердан 60 центнер ўрнига 69,4 центнердан дон олиб режани 115,63 фоизга бажарганлигига нима дейсиз?

Ширкат хўжалиги бошқа соҳаларда ҳам режада кўрсатилган сабзавот 36 ўрнига 65 тонна, беда 120 ўрнига 150 тонна, мева 35 ўрнига 39,1 тонна, узум 2 ўрнига 2,8 тоннага бажарган. Аксинча, 2001 йил сабзавот етиштириш 40 тонна ўрнига 35 тоннага тушиб қолган, мева, узум эса умуман топширилмаган. Ғалладан бўшаган 21 гектар майдонга экилган шоли ҳисоботдан яширилган. Хўш, ширкат хўжалигининг 106-контуридаги ва 123-контуридаги шоли экилган майдонларига бу экин турини экиш мумкинмиди? Яна шуниси таажжублантиради кишини, шоли экиш учун 106-контурдаги саккиз гектар ерга шартнома тузган Зуҳриддин Аҳмедов, ҳар бири 1 гектардан ерга шартнома тузган Козим Аминжонов, Ҳабибулла Маҳмудовлар аввал ширкатда ишлашмаган, ширкат аъзоси эмаслигини қандай тушуниш мумкин?

Таҳририятга келган хатда айтилган яна бир гап ҳам кишини мулоҳаза юритишга ундайди. «Раис Қ.Сатторов ҳамтовоғи фермер Бозорбой Кимсановга бириктирилган далани ўз уйи олдидаги 9 гектар ерга алмаштириб берди. Бу билан 1-бригададаги ўша ерда фаолият юритаётган пудратчиларнинг норозилигига сабаб бўлди», дейилади. Бу билан хўжаликда Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонунининг намунавий устави «Ер участкаси ва ундан фойдаланиш» қисмидаги 11-бандига зид иш қилинаётганлигини кўриш мумкин.

*(Давоми 4-бетда)*

# ОЙДАГИ ДОҒ

## ЁКИ ОЛТИНКЎЛ ТУМАНИДАГИ «АНДИЖОН» ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИ РАИСИ ИШДАН ҚАНДАЙ ОЛИНГАНИ ХУСУСИДА

Тумандаги «Андижон», «Иттифоқ», «Машъал» ширкат хўжаликларини ўз тасарруфига олган «Қўштепасарой» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Толибжон Ёқубовга савол берамиз.

Вилоятда олдинги ўринларда юрган «Андижон» ширкат хўжалиги ва унинг собиқ раҳбари Н.Ғуломовнинг иш тутуми, фаолияти ҳақида нима дея оласиз?

— Тўғрисини айтсам, «Андижон» ширкат хўжалигида айни деҳқончиликнинг ўртасида раис алмашиши менда ҳам шубҳа уйғотди. Шунча йил ишлаб Андижонда бундай воқеани эшитмаганман. Тўғри, касаллик ва узрли сабаблар бўлса, бошқа гап эди. Бу одамдай халқпарвар ва камтарин раҳбар жуда кам учрайди.

Албатта, бу фуқаролар йиғини раиси Толибжон аканинг изоҳи. Лекин унинг фикри таҳририятга ҳақиқат излаб, хат ёзганларникига жуда яқин эмасми?!

Хўжаликда кадрлар бўлими нозири вазифасида Марғуба Асқарова фаолият юритаркан. Ундан ўтган олти ой давомида ишга қабул қилинган ва ишдан бўшатилганларнинг рўйхатини беришни илтимос қилдик.

— Бизда ишдан бўшатилган ва қабул қилинганлар йўқ. Ҳамма ўз ўрнида, — дейди у секингина.

Ҳужжатларни кўриш жараёнида, биринчидан, ишдан бўшатилган собиқ раиснинг аризаси йўқлигини билдик. Янги раиснинг аризаси ҳам йўқ эди. Бироқ хўжалик ғазначиси Маҳмуд Кимсанов, газ техниги Юсуфжон Билолов, ҳуқуқшунос Муродилла Турғунов, ферма мудири Одашали Мадраҳимовнинг ишга қабул қилиш тўғрисидаги аризалари мавжуд эди. Нега кадрлар бўлими нозири бу маълумотларни аввалига сир тутмоқчи бўлди? Бунинг тагига етолмадик.

Хуллас, хўжаликда ишлар билан танишиб яна ҳоким ҳузурига қайтдик. Хат муаллифлари раис олдида ҳам тап тортмаганлиги, «юз-хотирга» бормаганлиги хусусида эмас, аксинча хатда ошкор этилмаган бошқа жиҳатлар ҳам борлигига тўхталдим. Ғуломқодир Маматқодировдан собиқ раис Н.Ғуломовнинг ишдан бўшаш ҳақида ёзган

4

аризасини сўрадим.

— Ариза хўжаликда бўлса керак, — деди у ва ўринбосари Зуҳриддин Сатторовга юзланиб. — Қаердан бўлмасин топиб, нусха олиб беринглар, мухбир ариза билан танишсин, — деди.

Ҳоким ўринбосари Зуҳриддин Сатторов қўлимга тутқазган ариза 2000 йилнинг 9 июлида ёзилган эди. Бироқ раиснинг ишдан олинганлиги тўғрисидаги мажлис 2001 йилнинг 9 июнида юз берган! Ариза роппа-роса 11 ой олдин ёзилган эди. Буни қандай тушуниш мумкин?

Бу ҳақда собиқ раис Нуриддин Ғуломовнинг фикрини билмоқчи бўлдик.

— Мени 2001 йил 9 июнь кундуз соат 3 лар чамасида туман ҳокимлигиға чақиришди. Борсам, ҳокимнинг биринчи ўринбосари Фазлиддин Расулов кутиб турган экан, — дейди у. — У аввало мени хафа бўлмаслигимни, яхши иш олиб бораётганлигимни эслатиб, ҳоким топшириқ берганлигини айтди. Бошқа ишга ўтишимни айтиб, ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзиб беришимни сўради. Менга эса вазият аниқ бўлди. Чунки хўжалигимиз ҳудудида яшовчи фермер Бозорбой Кимсанов, вилоят тафтишчиси Собиржон Тўлашов, «Машъал» хўжалиги бош муҳандиси Қаҳрамон Сатторовлар ўзаро тил бириктириб хўжалигимиз ривожига тўсқинлик қилиб келаётган эдилар. Бу ҳақда туман ҳокимига учраб айтганман. Ўша тўғри сўзлигим ариза ёзишга ундади. Шундан сўнг аризага туман ҳокими «Андижон» ширкат хўжалиги ривожланишига тўсқинлик қилаётганлигини кўрсатиб ёзиб бердим. Йиғилишни менга билдирмасдан — орадан бир соат ўтар-ўтмас ўтказишган. Ширкатлар тўғрисидаги қонунларга бўйсунмай, ширкат аъзоларининг норозилигига қарамай, раис сайлаб кетишди.

— Сизга ишдан бўшаш тўғрисида аризани ёзиб беришни ҳоким ўринбосари 2001 йилнинг 9 июнида, тушдан кейин айтган экан. Ва сиз ариза ёзиб бергансиз.

— Ҳа...

— Бизга эса ҳокимият томонидан тутқазилган аризангизда «2000 йил 9 июль» деб кўрсатилган. Бунга нима дейсиз?

— Ўшанда ҳам, туманимиз ҳокими янги уруғлик пахта нави «Андижон-33»га агротехник парвариш боришга тўсқинлик қилганида, аччиқ устида ёзиб берганим рост...

Нуриддин Ғуломовнинг кейинги гапи маъюс эшитилди. Яна гапи борга ўхшарди. Лекин бошқа гапирмади. Назаримда у: «Ҳоким зуғум қилаверса, ўтирсанг ўпоқ, турсанг сўпоқ деяверса, ариза ёзишдан бошқа чора борми?» деяётгандек эди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг Намунавий уставининг «Ширкат хўжалигининг бошқарув органлари ва уларнинг ваколатлари» қисмидаги 52-бандида «Умумий мажлис ширкат хўжалиги бошқарувининг (раиснинг) қарорига биноан ёки ширкат хўжалиги аъзолари камида учдан бир қисмининг ташаббуси билан навбатдан ташқари чақирилиши мумкин» дейилади. Шунга қарамай туман ҳокимияти «шошилинч» вакиллар мажлисини чақиради. Вакиллар мажлисида 58 нафар киши қатнашади. Ҳатто, ширкат хўжалиги раиси Н.Ғуломов мажлисдан бехабар қолган. Яна ушбу Қонуннинг Намунавий устави ўша қисмидаги 57-бандида «Ширкат хўжалиги бошқаруви умумий мажлис чақирилиши ҳақида аъзоларни камида етти кун олдин хабардор қилиши шарт» дейилган.

Хўш, бу мажлисни ким чақирди? Бошқарувми ёки ташаббускор гуруҳми? Ундай десак нега

5

ҳали ўз ваколатини топширмаган раис бундан бехабар? Нима, Олтинкўлда бошқача тартиб-қоида борми ёки туман ҳокими хоҳиш-иродасига бўйсунувчи намунавий устав мавжудми? Одамлар иш жойларидан тўғридан-тўғри йиғилишга олиб келинган. Бу ахир Ўзбекистон Республикаси қонунларини қўпол равишда бузиш, менсимаслик эмасми? Бу билан ўз манфаатини устун қўйиш, раҳбарлик ваколатини суиистеъмол қилиш ҳолатларига дуч келаяпмиз. Бу ҳақда одамлар тегишли мутасаддиларга, қолаверса, вилоят ҳокимлигига арз қилишган... Лекин бу масалага бармоқ орасидан қаралган. Оддий кишилар қонунни билишмаса, Олтинкўлда, қолаверса, Андижонда қонунни биладиган шоввозлар кўп-ку! Яна ўша Намунавий уставнинг 60-банди бўйича ширкат раиси муқобиллик асосида сайланиши керак. Муқобиллик асосида номзод топилмадими?

Ахир вилоятда қайси пайкалда ғўзанинг ривожию қайси пайкалда ғалланинг аҳволидан бохабар бўлиб турувчи вилоят раҳбарлари наҳотки одамларга ғулғула солаётган, ташвишлантираётган мураккаб масалага шундай совуққонлик билан қарашса?! Ёки Андижонда кадрлар масаласи шунақа усуллар билан ҳал этиладими?!

Раиснинг айби бўлса, одамларни, ёшу кексаларни йиғиб, унинг мана шундай айби бор деб, айбини бўйнига қўйиб, ишдан олиш шунчалик қийинми? Эҳтимол қийиндир. Агар шундай деб ўйланса, одамнинг хаёли турфа томонларга кетади. Яна танишбилишчилик, қитмирлик, тирноқ остидан кир қидириш...

Ҳар бир кишидан нуқсон топиш мумкин. Ахир ойнинг юзида ҳам доғ бор. Ойнинг юзида доғ бор экан, деб андижонлик раҳбарлар энди уйларининг деразасига ҳам парда тутишадими?

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

**Ҳар қандай мақола бир зарб билан ёзилмайди. Айниқса, танқидий бўлса масалани чуқур ўрганиш, фикрларни қиёслаш, таҳлил этиш талаб қилинади. Шу жараён кечаётганида таҳририятга туман ҳокими Ғуломқодир Маматқодиров ташриф буюрди. У таҳририятга шунчаки эмас, балки Олтинкўлда мухбир билан учрашганда айтолмаган фикр ва мулоҳазаларини қоғозга тушириб келибди. Салкам саккиз бетлик мактубда асосан янги раиснинг ажойиб фазилатларию ишчанлигига ҳамду сано ўқилиб, раис лавозими энди ўз одамини топгани таъкидланади. Шунингдек, собиқ раис «кирдикорлари» фош этилиб, унинг лавозимидан тўғри бўшатилганини исботлашга уринилган.**

**Юзма-юз хийла баҳслашилди. Охир-оқибат ҳоким ширкатнинг вакиллар йиғилишини ўтказишда Қонун талаблари бузилганини тан олди ва яқин орада ширкатнинг умумий мажлисини такрор ўтказиш, унда янги ва собиқ раислар номзодини сайловга қўйишга ваъда берди. Бизнингча, масаланинг бундай ҳал этилиши адолатлидир, чунки ким раис бўлишини халқнинг ўзи танлаганига нима етсин!**

*(Давоми. Боши 3-бетда)*

6

## МОВИЙ БАХТЛАРГА ТЎЛСИН

**(ЯНГИ ЙИЛ ТИЛАГИ)**

*Учаётган бургутнинг*
*Парвозидай парвози.*
*Кетаётир булутнинг*
*Орқасига овози—*

*Ўзбекистон ҳур юртнинг*
*Булбул-каби сайроғи.*
*Ёнларида уфқнинг*
*Ҳилпирайди байроғи!*

*Уйин нурга суватган...*
*Кўз тутар бутун жаҳон.*
*Ватанимни қувватлаб,*
*Сўз айтар бугун жаҳон!*

*Ўзгага бахт тиламоқ —*
*Боболарнинг одати.*
*Ойни нурга беламоқ —*
*Момоларнинг шиддати.*

*Ҳурликдан билажакмиз,*
*Кўкларга юз буришни.*
*Биз қилсак қилажакмиз,*
*Илм билан юришни.*

*Дўстлигу ҳикмат билан*
*Янграгай қўшиғимиз.*
*Ҳамиша ҳиммат билан,*
*Тўлгайдир қўшинимиз!*

*Бу жаҳон айвонида*
*Жўровоз ватан сози.*
*Ой-қуёшлар ёнида*
*Ўзбекистон овози!*

*«XXI» бир бўлсин,*
*Элларнинг кўпу ози!*
*Мовий бахтларга тўлсин,*
*Ўзбекистон овози!*

■ **Йўлдош ЭШБЕК**

## ҚАРЗ

*Тонг саҳарлаб туриб чумчуқдан бурун,*
*Паҳ-паҳлаб уйғотдинг полопонларинг.*
*Тайёрлаб қўйгансан кеча кечқурун,*
*Пишириб, едирдинг, ҳалак жонларинг.*

*Кошки, бўлмасайкин буларинг инжиқ —*
*Ўхшамаса экан менга бунчалар...*
*Сезаман, сўнг пайтлар кўнглинг кўп интиқ,*
*Келинлар туширсанг — гулу ғунчалар!*

*Эрта-индин, ахир, не-не боғларнинг*
*Не-не навниҳолин олиб келармиз.*
*Гарди ҳам қолмагай армон-доғларнинг,*
*Учирма қушларга парвоз тилармиз.*

*Шунда ҳам, биламан, жонлар куйдириб,*
*Келинга келиндек хизмат қиларсан.*
*Емай ҳам — едириб, киймай — кийдириб,*
*Невара келинга сарпо иларсан...*

*Орзунинг чеки йўқ, номаълум аммо*
*Ҳаёт денгизида қанча сузаман.*
*Лек мени қийнайди бошқа муаммо:*
*Онамдан қарзларим қандай узаман?!*

■ **Султон МУРОД**



ТАБИАТ ҚАСРИ

## КУЛГИ — УМР ЗИЙНАТИ

*Эркак билан аёл суҳбатлашарди. Аёл:*

*— Наҳотки мени эслай олмадингиз? Сиз ҳеч ўзгармабсиз, мен дарров танидим. Мен ўша-ўшаман-ку...*

*— Йўқ. Мутлақо эслолмадим. Қолаверса, мен кекчи одам эмасман.*

✧✧✧

*Ёшгина гўзал жувон ўз шахсий машинасини елдириб келди-да, тўхташ тақиқланган белги остида таққа тўхтади. Дарҳол йўл назоратчиси етиб келди.*

*— Сиз нима, наҳотки ҳеч нарсани кўрмадингиз?*

*— Йўқ. Вой, узр, инспектор. Мен пайқамабман, формангиз янгимиди?*

## «5-САҲИФА»

## ОШИРИЛГАН МАЖБУРИЯТ

*Шўролар «доҳий»сининг юз йиллик юбилейига муносиб совға сифатида барча соҳаларда қўшимча режа ва мажбуриятлар олиш роса русумга кирган замонлар. Туман фаоллари йиғилишида аҳа шу масала кўриб чиқилди. Хўжалик раислари, корхона-ташкилот раҳбарлари бирин-кетин сўз олиб «доҳий юбилейига бағишлаб режани фалон фоиз қилиб бажаражагини» билдира бошлайдилар. Ҳатто бир раис фирқага садоқатини кўрсатиш учун уч юз фоиз ҳақида лоф уради...*

*Йиғилишда туман кўнгилли ўт ўчириш жамияти раиси, майор Ражабов ҳам қатнашаётганди. Қараса, ҳамма чиқиб оширилган мажбурият олаяпти, индамай ўтирса бўлмас.*

*Мажлис ниҳоялай деганда Ражабов ҳам минбарга кўтарилади. Ҳарбийларга хос тарзда: «Биз ҳам доҳий ҳурмати учун режамизни икки юз фоиз бажаришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик!»*

*Шундай деб ўрнига ўтираётганида райкўм котиби савол беради: «Ўртоқ, майор, тушунарсиз бўлди, нима икки юз фоиз? Рақам-факт келтиринг, биз бундоқ қайд қилиб қўяйлик!»*

*Майор Ражабов тағин минбарга кўтарилади ва оширилган мажбуриятни рақамларда ифодалайди: «Ўтган йили биз жами 78 марта хонадонлар ва бошқа биноларда содир бўлган ёнғинни ўчиришга муваффақ бўлдик. Юбилей йилидаги режамиз эса — камида юз эллик хонадондаги ёнғинни ўчиришдан иборат...»*

■ **Рўзимбой ҲАСАН**

## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

## КАРАМ — КЎП ДАРДГА МАЛҲАМ

*Карам халқ табобатида энг шифобахш сабзавотлардан бири.*

*Қадимги Рим табиблари карам инсон саломатлигини мустаҳкамловчи муҳим омил эканлигини ёзиб қолдиришган.*

*Олимларнинг аниқлашларича, карам уйқу қочирувчи, бош оғриқни қолдирувчи воситадир.*

*Рус олимларининг таърифлашича, карамнинг нордони (тузлангани) овқатни ҳазм қилишни фаоллаштирса, қолганлари тиш тўкилишининг олдини олади, милкларни мустаҳкамлашда муҳим омил сифатида қўлланиб келинган. Карам кайфият кўтарувчи ва сийдик ҳайдовчи восита ҳамдир.*

*Карам асосан тери лат еганда, куйганда ва яллиғланганда, пўла бўлганда, нафас йўллари оғриганда, милклар бўшашганда, жигар касалланганда шифокор тавсияси билан маълум миқдорда истеъмолга буюрилади.*

*Шунингдек, карам барглари сувда қайнатилиб, кепак билан аралаштирилиб, боғлама сифатида сувли қизилчага боғланиб даволанган.*

*Шунингдек, карам барглари тухум сариғи билан аралаштирилиб, иллатли яраларга, куйган жойларга боғлаб қўйилса, тез эт олиши ва тузалиши маълум.*

*Хуллас, карам барглари таркибида инсон организми учун 101 хилга яқин энг керакли моддалар бор.*

## ҚОВОҚҚА ҲУШИНГИЗ ҚАЛАЙ?

*Қовоқ ўта шифобахш неъмат бўлиб, таркибида 2%гача қанд, крахмал, оқсил, витаминлардан C, B, $B_2$ никотин кислотаси, каратиноидлар, элатерицин A, фитостероллар билан бирга, минерал тузлар, айниқса, фосфор, темир бирикмалари бор.*

*Қовоқ уруғи таркибида 40%га қадар ёғ, 28% оқсил, органик кислоталар, витамин $B_2$, C ва бошқа моддалар бўлиб, халқ табобатида гижжани ҳайдовчи восита сифатида фойдаланиб келинади.*

*Шунингдек, қовоқдан сариқ касаллигига, силласи қуриган беморларга, махсус қайнатмаси эса кўкрак оғриганда, қуруқ йўталда, қасқонда пиширилгани буйрак, қовуқ, истисқо, сийдик ҳайдовчи омил сифатида берилиб, беморлар даволанган.*

*Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, қовоқ уруғларидан гижжа ҳайдашда катта ёшдагилар учун 300гр., 10-12 ёшли болалар учун 150гр. миқдорда едириш кифоядир.*

*Ҳа, қовоқ кони фойда, уни вақти-вақти билан тановвул қилиб туриш лозим.*

■ **Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади**

## «УРИНИБ КЎРИНГ» ЎЙЛАНМАСИ

**БЎЙИГА:** 1. Хавотир, қўрқинч. 2. Хушбўй суюқлик. 3. Оммавий ўйин-кулги. 4. Йиртқич ҳайвон. 5. Тўқай ўсимлиги. 6. Бирор давлатнинг бошқа мамлакатдаги доимий расмий вакили. 7. Оёқ ташлаб қилинган ҳаракат. 8. Узунлик ўлчови. 11. Ўз меҳнати сингмаган нарсаларга, бировникига сахийлик қиладиган одам. 12. Қушларнинг овқат тўпланадиган жойи. 14. Бировдан бирор нарса олишга ўрганган одам. 17. Ҳукмдорлар саройидаги хизматчи аёл. 18. Балиқ терисидаги қоплама. 19. Қовун навларидан бири. 20. Европада яшовчи миллатлардан бири. 21. Буғдой-ун савдоси билан шуғулланувчи савдогар. 26. Тўй тараддудининг биринчи элчиси. 27. Сунъий, қалбаки. 31. Симдан спирал шаклида ўралган деталь. 32. Панд, ўгит. 33. Юрист, ҳимоячи. 34. Фирдавсий асари. 35. Кишилик ҳаётида тутган ўрин, қиймат. 40. Ачиниш туйғуси, пушаймон. 42. Хамирли овқат. 44. Кексаларга, улуғ кишиларга нисбатан атама. 46. Кун ботиш олдидаги пайт. 47. Болалар учишига мўлжаллаб дарахт шохига боғланган арқон. 49. Рўза ойи. 50. ...олма, дуо ол. 57. Шикаст, зарар. 52. Билет, чипта. 53. Ҳаммаси бўлиб, бор-йўғи. 58. Сақлаб бериш ёки вақтинча фойдаланиш учун топширилган. 59. Беш вақт намоз номларидан бири. 62. Халқ оғзаки ижодкори, бахши. 63. Йўл кўрсатиб турадиган ёғду. 64. Коинот, дунё. 65. Тушунтириш, шарҳ. 66. Беморни даволовчи одам. 67. Дурадгорлик асбоби.



**ЭНИГА:** 1. Яқин қариндош. 7. Роҳат, ҳузур. 9. Уй ортидаги экинзор. 10. Мол ёки пулнинг тегишли миқдордан кам чиққан қисми. 13. Ўткир ҳидли тузсиз газ. 15. Спорт ўйинлари ўтказиладиган жой. 16. Хийла-найранг асосига қурилган иш. 18. Чанқоқлик. 20. Ҳайвонлар озуқаси, ем-хашак. 22. Жаҳлли, аччиғи тез. 23. Икки ғилдиракли қўл аравада юк ташувчи ҳаммол. 24. Бир ютум овқат. 25. Капа, чайла. 28. Гўл, лақма. 29. Олий лига футбол командасидан бири. 30. Самолёт зинаси. 32. Бегона. 35. Тепаси ярим доира шаклида солинган дарвоза. 36. Кучли шовқин. 37. Миллий ипак мато. 38. Ёввойи қовун, кавар. 39. Ўта ҳурматга лойиқ кишига мурожаат. 41. Сергап, маҳмадона қизчаларга нисбатан айтиладиган сўз. 43. Саҳро-дашт билан ўралган обод ўлка. 45. Шодиёна, маросим. 48. Олтиариқни машҳур қилган маҳсулот. 50. Газета ва журналларга олдиндан ҳақ тўлаб ёзилиш. 52. Сигарета номларидан бири. 54. Иш-ҳаракат билан боғлиқ атама. 55. Қиёфа, кўриниш. 56. Муҳофаза мақсадидаги дарахтзор. 57. Озгина вақт. 60. Ерга тўшаладиган рўзғор буюми. 61. Маълум бир ҳудудда истиқомат қилувчи одамлар. 62. Ўқимишли, доно. 64. Ўзини четга олиб юрадиган, ҳеч кимга қўшилмайдиган кимса. 66. Қон томири. 68. Бирор шарт билан маълум ишни пулга бажариш. 69. Хонлик давридаги ҳарбий қурол. 70. Фикрни сўз орқали ифодалаш қобилияти. 71. Энг майда пул.

■ **Тузувчи: Мавлуда ИСМОИЛОВА**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 34-ўрта мактаб жамоаси бошланғич синф ўқитувчиси Тошмуратов Шералига рафиқаси, шу мактаб бошланғич синф ўқитувчиси

**Зарифа Адҳамовна ТОШМУРАТОВА**нинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

| | |
|---|---|
| Siyosat va huquq — | 133-44-55 |
| Iqtisodiyot — | 133-76-04 |
| Ma'naviyat — | 133-07-20 |
| Xatlar va ommaviy ishlar — | 133-12-56, |
| Axborot — | 136-55-16 |
| Kotibiyat — | 133-72-83 |
| Reklama va e'lonlar — | 133-38-55, 133-47-80 |
| Faks — | 133-73-43, 133-06-83 |

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

| | |
|---|---|
| Andijonda — | 25-16-16 |
| Buxoroda — | 222-10-92 |
| Gulistonda — | 25-03-80 |
| Jizzaxda — | 5-49-85 |
| Navoiyda — | 3-39-20 |
| Namanganda — | 6-43-43 |
| Nukusda — | 222-70-12 |
| Samarqandda — | 35-20-54 |
| Toshkentda — | 136-53-16 |
| Urganchda — | 226-51-35 |
| Farg'onada — | 26-43-62 |
| Qarshida — | 4-61-35 |
| Termizda — | 3-79-98 |

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Farruh HAMROYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA